

ШХТ – ИЖТИМОЙ ҲАМЖИХАТЛИК МАЙДОНИ: ПЕКИНДА МЕХНАТКАШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

14–18 май кунлари Пекин яна бир бор қитъалар манфаатлари кесишган масканга айланди. Лекин бу сафар геосиёсий блоклар, санкциялар ёки курул-яроғлар эмас, балки меҳнаткашлар – уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳимояси ва шиддат билан ўзгараётган дунёда касба уюшмалари қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўз борди. Хитой ишчилари уйда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар касба уюшмалари раҳбарларининг учрашуви турли тарих, турли иқтисодиётга эга давлатларни умумий бир мақсад – адолатли жамият қуриш йўлида бир даврага жамлади.

Дарҳақиқат, ушбу тadbирда кўриб чиқилган масалалар камида ўнлаб мамлакатларда ижтимоий ислохотларнинг келажак стратегиясига таъсир қилиши мумкин.

Тadbирнинг дастлабки кuni Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Беларусь, Мўғулистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар делегациялари аъзолари рўйхатдан ўтиб, Хитой касабачилик ҳаракатининг 100 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Хитой ишчилари ҳаракати тарихи акс этган кўргазма билан танишдилар. Шундан сўнг тadbирнинг асосий қисми бошланди. Бу ерда расмий нутқлар эмас, келажак кун тартибини белгилай оладиган фикр-мулоҳазалар янгради.

Ўзбекистон ушбу форумда кўплаб мамлакатлар вакилларини бефарқ қолдирмаган қарашлар тизимини тақдим этди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов анжуманнинг асосий сес-



сияларидан тортиб, Умумхитой касба уюшмалари федерацияси раҳбарияти билан музокараларгача фаол иштирок этди. Унинг нутқи шiorлардан холи эди. У «рақамли трансформация», «марказида инсон омили турган ёндашув», «шақлдан мазмунга ўтиш», «меҳнат – барқарор жамият асоси» каби тушунчаларни айтиш билан кифояланмади. Уларнинг ортида чуқур фалсафа ва амалий зарурат бор эди.

Қудратилла Рафиқов Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур модернизация жараёнлари, хусусан, касба уюшмаларининг жамият ҳаётида тутган ўрнининг тобора ошиб бораётгани тарихий эҳтиёж, зарурат эканини таъкидлади. «Рақамлаштириш, таҳлилий ёндашув, кадрлар тайёрлаш, ёшлар билан ишлаш масалалари бугун шунчаки тренд

эмас. Бу меҳнаткаш инсонга хизмат қиладиган воситалардир», деди у анжуман иштирокчилари диққатини давлатимиз раҳбарининг «Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак» деган самимий сўзларига қаратар экан. Айнан ушбу тамойил Ўзбекистон делегациясининг «Марказий Осиё + Хитой» форматидаги доимий учрашувларни ўтказиш

ҳамда рақамли саводхонлик бўйича форумлар ташаббусларига асос бўлди.

Расмий очилиш кунида Қудратилла Рафиқов тadbирга тамаддунлараро тус берди. У Шанхай ҳамкорлик ташкилоти дунё аҳолисининг ярмини қамраб олган макон эканини эслатар экан, «Биз шунчаки қўшнилар эмасмиз. Биз – умумий Буюк Ипак йўли, ҳунармандчилик анъаналари ва муносиб ҳаётга интилишдек эзгу орзу-ниятларнинг меросхўрларимиз», деди. У ХХI асрдаги ШХТни карвонлар эмас, балки инвестициялар, рақамли ечимлар ва шериклик этикаси йўлидаги янги Буюк Ипак йўлига менгзатди. Ушбу таъкид метафорадан кўра кўпроқ геосиёсий мувозанат формуласидек янгради.

Форумда Хитой томони меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоавий шартномалардан тортиб, сунъий интеллектдан меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда фойдаланишгача жўяли таклифларни илгари сурди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг «касба уюшмалари – ишчи-хизматчилар учун оиладир» деган фикри ўзаро суҳбатларда, кофе-брейкларда ҳам кўп бор тақдорланди. Анжуманда санкциялар ёки тўсиқлар эмас, балки инфляция, платформавий иш билан бандлик, oilалар, пенсионерлар, ёш мутахассислар ва оддий қишлоқ аёллари ҳаёти муҳокама этилди.

Сессиялар оралиғида турли мамлакатлар – Россия, Ҳиндистон, Мўғулистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар делегатлари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси таклифларини мазмунан бой ва долзарб, дея баҳоладилар. Қирғизистон меҳнат миграцияси масалаларидаги ҳамкорлиқни мувофиқлаштириш учун «ШХТ касба уюшмалари ташкилотини тузиш ташаббусини илгари сурди. Ҳиндистон протекционистик сиёсатини танқид қилди. Тожикистон ўтиш даври иқтисодиётининг муаммоларини тилга олди, Беларусь – суверенитет, Мўғулистон эса меҳнат этикаси ҳақида сўз юритди.

Кўриб чиқилган масалалар кўламига назар ташланса, Ўзбекистон таклифларида Шарқ ва модернизация ўртасидаги мувозанат нуқтаси акс этгандек таассурот уйғонди. Улар томонларнинг кутблашувидан кўра бирлашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, Пекиндаги анжуманни жаҳоннинг янги ижтимоий тартиби муҳокама этилган тажриба майдонига қиёслаш мумкин. Бундай тартибда давлатлар ресурслар учун рақобат қилмайди, аксинча, ўзаро масъулият ҳақида келишадилар. Касба уюшмалари рақамли ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Миллий манфаат эса гегемония эмас, балки барқарорлик, адолат ва халқ фаровонлигидан ibорат бўлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – шунчаки институт эмас. Бу ишончга кадр, ҳамжиҳатликка куч, меҳнаткаш инсонга ҳурмат қайта тикланаётган макондир.

Ўз мухбиримиз



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

ЖОНКУЯР ЕТАКЧИЛАР САРАЛАБ ОЛИНЯПТИ

Одатда касба уюшмаларининг асосий мезонини белгилашда унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, жумладан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва ваколатларини қафолатлаш, ижтимоий шериклар, яъни иш берувчилар билан тузиладиган келишув ва жамоа шартномалари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тadbиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган қўмитаси конференциясида ана шу жиҳатларга алоҳида урғу берилди.

Ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга назар ташласак, салмоқли натижаларга эришилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, бирлашган қўмита аъзолари сони 2021 йилда 20 минг 482 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунида 59 минг 571 нафарга етгани ҳам касба уюшмаларига ишонч ортиб бораётганидан далolat беради. Албатта, бундай натижага ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жонкуярлик билан ҳимоя қилиш натижасида эришилмоқда.

Амалдаги жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзларга сарф қилинган харажатлар 2021 йилда ходимларнинг ҳар бирага ўртача 2 миллион 745 минг 200 сўмданга тўғри келган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 6 миллион 216 минг 700 сўмни ташкил этган. Чунончи, ҳисобот даврида жамоа шартномалари орқали пенсияга чиқишда, юбилей саналари муносабати билан, ташкилотларнинг солиқ ходимлари – пенсионерлар тақдирлаишига, ёш оналар ва ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам учун маблағлар сарфланган.

Янада эътиборлиси, 407 нафар ходим ва уларнинг oila аъзолари санаторийларда соғломлаштирилди. Шундан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 328 нафар ходимга, касба уюшмалари маблағларидан 79 нафарига йўлланмалар берилди.

Албатта, эришилган ютуқлар катта китоб бўлиши мумкин. Аммо одамларга эртага эмас, бугун яхши яшашлари учун шарт-шароитлар яратиш кун талаби бўл-

моқда. Демак, фаолиятга танқидий-таҳлилий ёндашиш билан кўп нарсаларга эришиш мумкин. Шу боис конференцияда, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, ташкилий масалалардаги камчилик ва нуқсонларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, бошланғич ташкилотларда ижро интизоми масалалари талаб даражасида эмаслиги, айрим ташкилотларда жамоа шартномаларида кўрсатилган имтиёзлардан ишчи-ходимлар беҳабар қолиши ҳолатлари учраётгани, келгусида касба уюшма раислари бепарволикка берилмасдан ушбу масалаларга эътиборли бўлишлари лозимлиги уқтирилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифалар ҳам бисёр. Тизимдаги қатор ташкилотларда ходимларга иш шaroитлари яратилиши, маиший санитария хоналарини жиҳозлаш ва аёллар гигиена хоналари ташкил қилиш ишларида касба уюшма қўмиталарининг талабчанлиги етарли эмаслиги, айрим ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар шу кунгача сайланмагани эса янада афсусланарли ҳолатлиги таъкидланди.

Конференцияда жиддий баҳс-мунозаралардан сўнг кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Қодиржон Мавлонов бирлашган қўмита раислигига қайта сайланди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши тар-

■ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

кибидаги 123 та бошланғич ташкилотда 22 минг 629 нафар аъзо бор. 21 нафар делегат иштирок этган тармокнинг ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтди. Унда сўнгги беш йиллик фаолият якунлари тўғрисида тармок ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раисининг ҳисоботи тингланib, амалга оширилган ишларга қониқарли деб баҳо берилди.

Ўз навбатида, келгусида ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар белгилab олинди.

– Кенгаш раисини ойнадаги аксимиз дейиш мумкин. Чунки бугун қайси бир жамоа ўз ҳуқуқ ва манфаатларига бефарқ, лоқайд бўлмаса, сайловларда фаол бўлса, эртага ўзлари каби фаол етакчи уларнинг ишончли ҳимоячисига айланиши тайин, – дейди Наманган минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат муассасаси касба уюшмаси қўмитаси раиси Мирқамал Мирзараҳимов. – Кенгаш раислигига Феруза Эрматова ва Садриддин Қўчқаров номзодлари таклиф этилди. Мўҳими, ҳеч бир делегат бефарқ бўлмади. Ўзлари маъқул кўрган, кўпчилиكنинг манфаатига қайишадиган номзодга овоз беришди.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра, Феруза Эрматова кўпчилик овоз билан тармок ходимлари касба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг раиси этиб қайта сайланди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, шу кунгача Наманган вилоятидаги жами 37 та ўрта бўғин тузилмаси – тармок касба уюшмалари, вилоят, шаҳар ва туман ҳудудий кенгашларининг 16 тасида етакчилар сайланди. Ушбу сайловларда элнинг қорига ярайдиган, кўпнинг назарига тушган жонкуяр етакчилар саралаб олинапти, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

■ КАСБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАН...



ҚИММАТГА ТУШГАН БЕПИСАНДЛИК

Қуйи Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда иш берувчининг фуқаролик жа-вобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, жамоа шартномалари ва келишувларига рияя этилиши бўйича жамоатчилик назорати ўтказилди.

Маълум бўлишича, 82 та иш ўрнида меҳнат шарт-шароитлари ва асбоб-ускуналари жараҳатлаш хавфлилиги юзасидан шаходат (баҳолаш)дан ўтказилмаган. Бунинг оқибатида 415 нафар тиббиёт ходимининг меҳнат ҳуқуқи бузилган. Шунингдек, 1000 нафардан зиёд ишчи шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаган.

Аниқланган камчиликлар хусусида бош шифокорга кўрсатма хати киритилди. Аммо иш берувчи буни писанд қилмади. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туманлараро судига мурожаат йўлладик. Суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликлар ўз исботини топиб, даъво-аризамиз қаноатлантирилди ва 1 минг 500 нафар тиббиёт ходими шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланди.

Шунингдек, Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туманлараро перинатал маркази ходими хоналарга совитчиқлар ўрнатишда амалий ёрдам сўраб, мурожаат йўллаган эди. Ушбу масала бўйича ҳам раҳбариятга кўрсатма хати киритилди. Аммо у инобатга олинмади ва иш судга оширилди. Суднинг тегишли қарори билан жавобгар зиммасига хоналарга 10 дона ҳаво совиткич ўрнатиш мажбурияти юклатилди.

Жўрабек ИСПОМБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касба уюшмаси Республика кенгашининг
Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори



МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ ИШОНЧ БИЛАН ҚАДАМ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ДАРГОҲ

Ҳар бир инсон барқарор ва фаровон келажак сари интилади. У яхши яшаш, муносиб меҳнат қилиш, жамиятда обрў-эътиборга эга бўлиш ва орзуларига етишни истайди. Бунинг гарови эса – меҳнат. Фақатгина ҳалол меҳнат, ҳақиқатга таянган интилишгина инсонни юксалтириши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатлар ривож, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонлиқнинг пойдевори меҳнат муносабатларининг мустаҳкамлиги билан белгиланади.

Дунёнинг кўплаб давлатларида меҳнат муносабатларига ихтисослашган, касаба уюшмалари соҳасига кадрлар тайёрлайдиган махсус олий ўқув юртлари мавжуд. **Жумладан, Россиядаги ана шундай академия 100 йилдан ошиқ тарихга эга бўлса, Беларусда бундай олий таълим даргоҳи ташкил этилганига яқинда 95 йил тўлади. У мамлакат кадрлар тайёрлаш тизимида аллақачон мустаҳкам ўрин эгаллаган.**

Ўзбекистонда ҳам ана шундай олий таълим масканига эҳтиёж бор эди. Сабаби, кўпинча ташкилотларда, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат муҳофазаси, меҳнат ҳуқуқи йўналишида кадрлар танқислиги сезилади. Қолаверса, иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳалари янги ривожланиш босқичига чиқаётган, технология шиддат билан ривожланаётган бугунги замонда, мазкур даргоҳларда ишни, муносиб меҳнат шaroитларини яратишда ўзини кўрсата оладиган, ишчи-ходимларни ҳар жиҳатдан химоя қиладиган замонавий кадрлар сув ва ҳаводек зарур.

Юртимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 2021 йил 23 августда давлат раҳбарининг тегишли қарори асосида очилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси худди шу эҳтиёжни қоплаш мақсадида ташкил этилди. Ҳозир Марказий Осиёда ягона бўлган академия нафақат ўқув юрти, балки меҳнат маданиятини шакллантириш ва ўз йўналишидаги илмий-амалий учрашувлар марказига ҳам айланмоқда.

Бугун мактабни тамомлаш арафасида турган ёшлар, қаерда ўқиш, қайси масканда шaroитлар қанақа эканлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби-ю, вилоятдан келиб ўқийдиганларга яратилган шaroитлар билан қизиқётган бир пайтда биз сизларни Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси билан кенг ва атрофлича таништирмоқчимиз.

ПРОФЕССОР КАДРЛАР ТАЯНЧ УСТУНИ

Бугун академияда 9 та йўналишда 1200 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмақда. Уларнинг 350 нафари кундузги, 800 дан ошиғи эса сиртқи ва масофавий таълим шаклида ўқимокда. Ҳозирча энг катта босқич – учинчи босқич талабалари бўлиб, 2025-2026 ўқув йилида улар бакалавр йўналишидаги илк қалдирғочлар бўлишади.

Академияда ишлашга жами 45 нафар профессор-ўқитувчилар – 1 нафар академик, 6 нафар фан доктори, 20 нафар фан номзоди ва фалсафа доктори (PhD) ҳамда 18 нафар катта ўқитувчи жалб этилган. Талабалар юриспруденция, психология, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, менежмент, ижтимоий иш, инсон ресурсларини бошқариш каби йўналишларда таҳсил олади.

– **Ўқитувчиларимиздан Қобилжон Қирғизалиев, Акмал Саидов, Дилафрўз Ғофурова ва Қиёмиддин Идрисовларнинг дарслари менга жуда ёқади, – дейди юриспруденция факультетининг 3-босқич талабаси Нурмуҳаммад Азимов. – Акмал Саидов жуда кенг фикрлайдилар, сиёсий ҳуқуқ соҳасида ҳеч ким айтмаган фикрларни ўртага ташлаб, дунёқарашимизни, ҳушёрлигимизни оширсалар, Қобилжон Қирғизалиев меҳнат ҳуқуқи масаласида амалиётдаги жараёнлар, ишчи-ходимлар кўп дуч келадиган муаммоларни жонли ва ҳаётий мисоллар асосида тушунтирадилар. Дилафрўз Ғофурова амалиётда адвокат бўлганликлари учун дарслари ҳам доим қизиқарли ва мунозараларга бой ўтади. Қиёмиддин Идрисов эса соҳада катта тажриба ва маҳорат тўплаган устозларимиздан. У кишининг дарслари ҳам доим қизиқарли ва муҳокамаларга бой бўлади.**

2023-2024 ўқув йилидан бошлаб Академияда HEMIS – Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими жорий этилди. Бу тизим «Маъмурий бошқарув», «Ўқув жараёни», «Илмий фаолият» ва «Молиявий бошқарув» модулларини ўз ичига олган ҳамда академия фаолиятини ўрнатилган тартиблар асосида бошқариш ва мувофиқлаштириб бориш имконини беради. Таълим масканини хорижий давлатларда ҳам кенг тарғиб этиш, нуфузини ошириш, халқаро рейтинглардан ўрин олишига эришиш муҳим, албатта. Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси делегацияси ўтган йили Мўғулистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда бўлиб, касаба уюшмаси таълимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда икки томонлама ҳамкорлик



ўрнатиш масалаларини муҳокама қилди. Тақдиротлар ўтказди. Ушбу ташрифлар давомида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

КУТУБХОНАНИНГ ГАВЖУМЛИГИ СИРИ НИМАДА?

Академиянинг моддий-техник базаси ҳам таҳсинга сазовор. 33 та замонавий аудитория, 6 та компьютер хонаси, электрон кутубхона, спорт мажмуалари, IT парк ва 350 ўринли талабалар тураржойи – буларнинг барчаси талабалар учун қулай муҳит яратишга қаратилган.

Биргина ахборот-ресурс марказига кирсангиз, бу ер доим талабалар билан гавжум эканини кўрасиз. Сабаби ҳамма жой шинам ва тартибли, қулай муҳитга эга эканлигида. Кутубхона ҳам салқин. Ҳамма ўқиш, ёзиш, маълумот қидириш билан банд.

– **Дарсларим кўпайиб кетганида топшириқларни шу ерга кириб бажараман. Бу ер менга жуда ёқади. Сабаби, ўқиб-ўрганаётган ёшлар орасида сиз ҳам ўқиш муҳитига кирасиз, – дейди инсон ресурсларини бошқариш йўналишида таҳсил олаётган Светлана Ермоленко. – Иккинчидан, керакли адабиётларни топа оласиз. Компьютерларда бемалол реферат ёки курс иши, бошқа ишларни бажаришингиз мумкин. Яна бир жиҳати, бу ерда тез-тез китобхонлик дебатлари ва танловлари бўлиб туради.**



МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ – ТАШЛАЁТГАН ЁШЛАР МАСКАНИ



Ўзим ҳам икки марта шундай танловда қатнашганман. Жуда қизиқ ўтади.

Айрим ўқув масканларига борсангиз, кутубхоналар бўшаб ётади. Бу ерда эса аксинча, одам кўп, аммо тинчлик ҳукмрон. Боиси, ҳеч ким бир-бирига халақит бермайди.

Ахборот-ресурс маркази директори Диладфўз Мингбоева билан мулоқотда бўлганимизда, у кутубхонадаги компьютерлар Ўзбекистон Миллий кутубхонасига боғланганини, талабалар учун 3 миллиондан ортиқ электрон қўлланмалардан фойдаланиш имкони борлигини, марказнинг ўзида ҳам 5 мингдан ортиқ китоб ва қўлланмалар талабалар ихтиёрига берилганини айтди. Демак, кутубхонада одам гавжумлигининг сири шунда. Бу маскан Республикамиздаги энг улкан кутубхона билан боғланган. Талабалар қидирган китобини топишига шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

«ҲАММА ЖОЙДА ҲАМ БУНДАЙ ШАРОИТ ЙЎҚ»

Шундан сўнг академиянинг шахмат тўғраги ва ИТ паркида бўлди. Тўғарақда малакали устоз бошчилигида нафақат шахматга қизиқувчи талабалар, балки шу маҳаллада яшаётган ёшлар ҳам шуғулланишар, ИТ парқда эса дарсдан кейин ёшлар дастурлашни, турли дронлар ва роботлар ясашни ўрганишар экан.

Достон Эштовев ҳам шу марказдан оёғи узилмайдиган ёшлардан. У меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги йўналишида ўқиётганига қарамасдан, техника ва технологияга ҳам қизиқади. Устози ва шу тўғарақдаги тенгдошлари билан бир нечта дронлар ясаб, мусобақаларда ҳам қатнашаётган экан.

– Дастурлашни ўрганиш жуда фойдали. Ҳозир ҳамма соҳа интеграциялашмоқда, – дейди Достон. – Ўзим асли Жиззах вилоятининг Фориш туманиданман. Ўқувчилигимда дастурлашга ҳам қизиқардим. Ўқишни бошлаганимда академияда ИТ тўғараги борлигини эшитиб, ўша кунидек аъзо бўлганман. Бу ерда фақат дастурлаш, робототехника билан шуғулланмасдан, хоҳловчилар кечки пайт ёки тушдан кейин дарс қилишлари, рефератлар тайёрлаши ҳам мумкин. Компьютерлар WiFi тармоғига уланган. Бемалол кенг қамровли маълумотлар олиш, тақдиротларга тайёрлашни ҳам мумкин. Марказ кечки пайт 22:00 гача очик бўлади.

– Бу ерда ўқиётганингиздан хурсандми-

сиз? – сўраймиз Достондан.

– Албатта, хурсандман, чунки бу ерда талабалар учун яратилган шароитлар ҳамма жойда ҳам мавжуд эмас, – дейди у.

Академияни айланар экансиз, ўқийман-ўрганаман, деган ёшлар учун барча шароитлар муҳайё қилинганга амин бўласиз ва ёшлигингизга қайтиб, шу даргоҳда талаба бўлгингиз келади...

ЁТОҚХОНА ЭМАС, МЕҲМОНХОНА ДЕЙСИЗ...

Баъзи талабалар олий таълим муассасалари ётоқхоналарида жой камлиги туфайли тураржой масаласида муаммага дуч келишади. Академияда эса бундай ҳолат кузатилмайди. Чунки 2024 йилда қад ростлаган беш қаватли талабалар тураржойида 350 нафар ёшлар яшаши учун имконият бор. Ётоқхонага кириб, шароитлар билан яқиндан танишар эканмиз, йўлақлар, дарсхона, ошхоналар тозаллиги, хоналарнинг шинамлиги, замонавий қаравотларни кўриб, уч юлдузли меҳмонхона ёдимизга тушди. Гўёки бу талабалар тураржойи эмас, меҳмонхона дейсиз...

– Ёшларимиз тартиб-интизомга, тозалликка қаттиқ риоя қилишади, – дейди академиянинг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича бўлим бошлиғи Тошпўлат Холиқов. – Ҳозир 140 нафар талабамиз ётоқхонада яшайди. Қизлар 2-3, йигитлар 4-5-қаватларда. Хар бир қаватга кирувчи ёш идентификация назоратидан ўтгачгина, ичкарига киради. Кир ювиш хонасида кир ювиш дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, хар бир қаватдагилар ўзлари учун белгиланган кунда ундан фойдаланадилар.

Хуллас, ҳаммаси замонавий андозалар асосида: бино, таълим мазмуни ва ташкилий ишлардан тортиб, талабалар турар-жойигача...

ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ – АКАДЕМИЯНИНГ ҚАЙНОҚ РУҲИ

Масканда талабаларнинг чуқур ва пухта билим олишларига қай даражада аҳамият қаратилса, маънавий-маърифий ишларга, ёшларнинг дунёқарашини бойитишга ҳам худди шундай катта эътибор берилади. Жумладан, ҳафтанинг хар чоршанбаси «Маънавият кўни» сифатида белгиланиб, моҳир ҳуқуқшунослар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар ҳамда ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилади. Яқинда ҳам кучли

ҳуқуқ билимдони ва детектив ёзувчи Комил Синдоров, узоқ йиллар Олий суд раиси бўлиб ишлаган инсон – Убайдулла Мингбевлар иштирокида талабалар учун давра суҳбати ташкил этилди. Унда меҳмонлар ёшларга ўз иш тажрибаси, касбининг нозик жиҳатлари ҳақида жуда яхши ва қизиқарли мисолларни гапириб бердилар.

Бундан ташқари, академия талабалари ва маҳаллаларда истикомат қилаётган нурунийлар иштирокида «Уч авлод учрашуви», «Маҳаллада дув-дув гап» сингари маънавий-маърифий тадбирлар ҳам мунтазам ташкил этиб келинади.

Спорт билан шуғулланиш учун барча имконият яратилган бўлиб, замонавий жиҳозланган ёпиқ спорт иншооти, иккита мини-футбол майдончаси, шахмат ва шашка бурчаги ҳамда стол тенниси мажмуаси талабалар ихтиёрида.

– Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳам доимо диққат-эътиборимизда. Уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш таъминларини омдалаштириш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ҳамда Талабалар қасаба уюмаси кўмитаси фаолияти йўлга қўйилган. Ўшбу жамоат ташкилотлари талабалар орасида ўзини-ўзи бошқариш таъминларини татбиқ этиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш каби устувор йўналишларга эътибор қаратмоқда, – дейди академиянинг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Азимжон Мирзажонов.

«ЁРУҒ ЮЛДУЗЛАР» ВА «МЕХРЛИ ҚўЛЛАР»

Юқорида академияда маънавият ва тарбиявий йўналишдаги ишлар кўлами кенглигини таъкидладик. Масалан, Навбахор Эшпўлатова раҳбарлигида ташкил этилган АТСО – арт талаба театр студиясини олайлик. Унда 30 дан ошиқ санъатга ихлосманд ёшлар тўпланишган. Яқинда «Муқимий» театри репертуаридан ўрин олган, Тўра Мирзо қаламига мансуб «Ёруғ юлдузлар» спектаклини сахнага олиб чиқишди. Бири Қодирӣ, бири Чўлпон, бири Усмон Носир бўлиб, сахнада роль ижро этаётганини кўрар экансиз, адабиёт хар бир ўғил-қизимиз юрагида порлаб турганига гувоҳ бўласиз. Олқишлар эса уларга илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Спектакль муваффақиятли чиққани боис, Қуролли кучлар академияси тингловчиларига, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясига ташриф буюрган меҳмонларга ҳам намойиш этилмоқда. Яқинда эса театр жамоаси яна бир янги ижодий ишга кўл урди. Ички ишлар академиясида марҳум шоир Муҳаммад Юсуфнинг таваллуд кўни муносабати билан ташкил этилган тадбирда истеъдодли қалам соҳибининг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Мангу осмон» спектаклидан таъсирли парча ижро этишди. Спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шу билан бирга, театр студияси аъзолари шоирнинг эл эътиборига тушган шеърларини ҳам ўзига хос ҳиссиёт билан ўқишди ва тадбирнинг руҳий тароватини оширишди.

– Яна бир фойдали лойиҳамиз бор, уни – «Меҳрли қўллар» деб атаганмиз, – дейди академияда тьюторлик вазифасида фаолият юритаётган Дурдона Сиддиқова. – «Меҳрли қўллар» лойиҳаси иштирокчилари Наврўз, Мустақиллик, ҳайит байрамлари арафасида академия жойлашган ва қўшни маҳаллаларда яшаётган ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олишади. Маса-лан, жорий йил бошидан ҳозиргача 40 нафардан зиёд қариялар хонадониди бўлиб, уларга озиқ-овқатлар ҳада қилдик. Уйларини тозалаб, ободонлаштиришга ёрдамлашдик.

Кекса онахон ва отахонларимиз талабаларнинг бу ишидан жуда хурсанд бўлишади, узундан-узоқ дуо л а р қ и л и ш а д и.

ҲОЗИРДАНОҚ ИШ ТОПАЁТГАНЛАР

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси – бу келажакка ишонч билан қараётган, юрт тараққиётини меҳнат шаъни билан боғлаган, замонавий ва инсоний қадриятларга асосланган таълим масканидир. Унда тайёрланаётган мутахассислар эртанги Ўзбекистоннинг меҳнат бозорида етакчи кадрларга айланиши шубҳасиз. Зеро, улар орасида айримлари ҳозирданоқ танлаган соҳаларида ишини топиб, амалиёт ва назарияни уйғунликда олиб боришмоқда. Шундайлардан бири 3-босқич талабаси Жавохир Юсупов бўлиб, у адвокатлик компаниясида иш юритувчи бўлиб ишламоқда. Академияда олган билимларини бевосита амалиётда қўлламоқда.

– Устозларим Қобилжон Қирғизалиев, Анвар Йўлдошбеков, Рўзигул Хожиеваларни жуда ҳурмат қиламан, – дейди у. – Кучли амалиётчи бўлганликлари боис дарслари жуда қизиқarli ўтади. Улар бераётган сифатли таълими туфайли талаба бўлишимга қарамасдан ишли бўлдим. Келгусида академияни тамомлаб, адвокат сифатида ишлашни ният қилялман. Ўз навабатида пухта билим олган, ҳалол меҳнатдан қочмаган одам келгуси фаолиятида ҳам қўқилмаслигига амин бўлялман.

Ҳа, академияда Жавохир каби ҳозирданоқ ўз ўрнини топаётган ёшлар талайгина. Улар билан суҳбатлашар экансиз, ҳаётга очик кўз билан қараётгани, илм-маърифатни энг муҳим маёқ деб билаётганини кўриб, кўнглингиз равшан тортади. Демак, бу даргоҳда келажакимиз ворислари онгига бахт калити билим ва ҳалол меҳнатда экани синдирилаётган экан. Бугунги эгаллаётган билимлари уларга доим шамчи-роқ ва қанот бўлади. Модомики шундай экан, меҳнатга ва меҳнаткашлар ҳимоясига шай академия талабаларига ҳамда уларнинг устозларига омад тилаймиз.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Эъзоза
УМУРЗОҚОВА
олган
суратлар



Таълим даргоҳида талабаларнинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор берилади. Бунинг натижасида ёшлар орасидан нафақат Ўзбекистон, балки Жаҳон чемпионлари ҳам чиқмоқда. Шундай умидли ва иқтидорли қизлардан бири Нозигул Чориевадир. У ўтган давр мобайнида универсал жанг бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони, бир марта Жаҳон чемпиони бўлди. Айни кунларда ҳам 1-5 май кунлари бўлиб ўтган чемпионатда фахрли 1-ўринни олиб, июль ойида Қирғизистонда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Ҳа, қардаки яхши шароит, қўлай муҳит ва тушуниш бўлса, ўша ерда иқтидорлилар ҳам «очилаверади».





Санъат инсон қалбига таъсир қилувчи энг кучли восита-лардан бири ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда қўшиқчи-лик соҳасида сифат эмас, миқдор устувор аҳамият касб этаётгандек. Алал-оқибат савиясиз, беҳуда, ҳатто ахлоқий метёёрларга зид қўшиқлар кенг тарқалаётгани ачинарли.

Кеча таксида кетаётганимда, ҳайдовчи – тахминан 60 ёшдан ошган бир киши – менга қараб: – Ўғлим, сизга қандай қўшиқлар ёқади? – деб сўради. – Мен учун қўшиқнинг тури муҳим эмас, роҳат қилиб тингласам,

бўлди, – дедим. Шунда у жилмайиб: – Ундай бўлса, сизга бир қўшиқ қўйиб бераман, фикрингизни айтасиз, – деди. Мен ҳўп, дедим. Бир пас ўтмай машинада қуйдаги қўшиқ ян-ради:

Лабингда паммада, памма паммада, Ёнимда юрма-да, юрма – юрма-да... Лабингда паммада, памма паммада, Ёнимда юрма-да, юрма – юрма-да... Ана сизга қўшиғу, мана сизга қўшиқ! Мен «Шундай қўшиқлар ҳам борми?! Шунақасини ҳам одам эшитарканми?!» дея ўйлаб қол-дим...

Бир-икки жумлаларини айтмаганда, қўшиқ деярли фақат шу сўзлардан иборат эди. Эшитиб на қулишни, на энсангизни қоти-ришни, на ҳайратланишни биласиз.... Тўғри, санъаткорларнинг йўналиши бошқача бўлиши мумкин, лекин улар бир нарсани ан-глаб етишмаяпти – бу турдаги қўшиқлар бизнинг менталитетимизга мос эмас. Бу бизнинг санъатимиз эмас.

Қўшиқда аёлнинг лаби ёки памадаси ҳақида очиқ-ошқора қуйлаш қанчалик тўғри? Бу оҳангни турли ижтимоий қатлам, турли ёшдаги ин-сонлар эшитишини унутмаслигимиз керак. Айниқса, ёшлар бу каби қўшиқлардан таъсирланиб, «нормал» ҳол, деб қабул қилишади. Аммо бу «норма» ким томонидан, қандай мезон асосида яратилган?

Бир замонлар аёллар жамиятда ўз ор-номуси, ҳаё ва иффати билан қадрланар эди. Бугун эса, биз замонавийлик деб, очиқ-со-чиқ, нозик мавзуларни қўшиққа аралаштиришни «санъат» деб ўй-лай бошладик. Бундай асарлар ёшлар онгида қандай из қолди-ради?

Санъаткорлар нега шу қўшиқ ва клипга сарфлаган маблагъла-рини ижтимоий, маданий жиҳатдан фойдали, эшитганда руҳан озуқа берадиган, фикрлашга ундайдиган, хулоса чиқаришга ўр-га-тадиган асарга сарфласа фойдали бўлармиди?

Санъат – бу масъулият. У жамият кайфиятига, инсон тафакку-рига таъсир қилади. Бугунги «қолдузлик» эртага унутилиши мум-кин, аммо улар тарғиб қилган фикр ва кайфият ёшлар онгида аба-дий қолади. Шу сабаб, ҳар бир сатр, ҳар бир сўзга асарининг жа-

■ МУЛОҲАЗА

мият олдидаги масъулиятини ёдда тутмоқ лозим. Тўғри, эҳтимол мен санъатни чуқур тушунмасман. Аммо тенгдошларим бу қўшиқ ва шунга ўхшаш енгил ижод маҳсулларини қандай қабул қилишини яхши биламан. Ўсмирларни қайси томонга йўналтирсангиз, шу йўлдан юради. Чунки улар яхши-ёмонни, тўғри билан нотўғрини тўла англаб етмасликлари табиий.

Ёшлар кўпроқ машхурларга тақлид қилишади, улар каби бў-лишга интилишади. Энди ўзингиз айтинг, эл таниган одамлар саҳ-нада масҳарабозлар каби қийинса, кимнингдир лаблари ёки пар-дози ҳақида қуйласа ундан ёшлар қандай маънавий озуқа олади? Бугунги авлод нега ўзбекнинг чинакам миллий қўшиқларини яхши билмайди? Кимларнингдир мана шундай «қойилмақом ижоди» са-баб асл қўшиқларимиз қадрсизланиб бораётгани бор гап.

Яна савол туғилади: қўшиқ ва «қўшиқ» ўртасидаги фарқни ўр-гатадиган, ижодий маҳсулотнинг бадий қимматини баҳолайдиган тизимлар нега ишламаяпти? Бундай кенгашлар нима билан шуғул-ланади ўзи? Улар чиндан ишлаганида, фақат ҳақини олиб тўғри келган қўшиқларни эфирга қўйиш учун рухсат бериб юборишмага-нида юқоридаги каби сатрлар оммалашиб кетмаган бўлармиди?

Нима қилиш керак?

Аввало, ҳар бир ижодкор сўз кучини англаб етиши, ижодида мазмун ва маънавиятни биринчи ўринга қўйиши лозим. Телевие-ние ва радиода, шунингдек, рақамли платформаларда қўшиқларни эфирга узатишда саралаш ва стандартларни жорий этиш зарур. Тингловчилар бемаъни қўшиқларга эътибор қаратмаслик, уларни танқид қилиш ва ёшлар орасида маънавий қўшиқларни тарғиб қи-лиш орқали бу муаммонинг олдини олишга ҳисса қўша олади.

Санъаткорларга улар оммага намойиш этаётган ҳар бир ҳара-кати учун жавобгар эканлигини бот-бот эслатиб туришимиз керакка ўхшайди. Уларни уч-тўрт киши эмас, минглаб инсонлар кузатади. Шу-нинг учун оммага бирор нарса тақдим этишдан аввал чуқур ўйлаш, масъулиятни ҳис қилиш муҳим.

Даврон ЭРГАШЕВ

■ ШАРҲ

рий Песков Интерфаксга берган интервьюсида шундай деди: «Хужжатларга имзо қўйишда фақат мазмун эмас, балки уни ким имзолагани ҳам аҳа-миятга эга». Бундан шундай хулосага келиш мум-кинки, музокаралар давом этиши мумкин. Лекин, эҳтимол, бошқа сиёсий шахс билан.

АҚШнинг бу музокаралардаги роли аниқ. До-нальд Трамп Путин билан шахсан учрашишга тайёр эканини эълон қилар экан, Истанбул – 2025ни ўзи-нинг президентлик кампаниясига айлантирди. У тинчликка фақат Москва ва Вашингтон ўр-тасидаги тўғридан-тўғри мулоқот орқали эришиш мумкин деган фикрда содиқ турибди. Бу эса Ев-ропани музокара жараёнларидан буткул чиқариб юбориши мумкин. Лондон ва Парижнинг асабий баёнотлари сабаби ҳам шундан. Москвани яна бир бор «қабул қилиб бўлмайдиган шартлар» қўйганликда айблаган Буюк Британияга Москва-дан «Биз Лондон билан эмас, Киев билан музо-кара олиб борямиз», деган жавоб берилди.

Қабул қилувчи давлат – Туркия ўзини нейтрал тутишга ҳаракат қилди. Музокараларда қатнаш-ган Туркия ташқи ишлар вазири Ҳоқон Фидан шун-дай деди: «Биз Истанбул яна тинчлик шахрига ай-ланади, деб умид қиламиз». Аммо турк тахлилчи-ларининг тан олишича, Эрдоғон бу масалада ўз таъсирини йўқотмоқда. На Путин ва на Зеленский Анқарани ҳақам сифатида қабул қилмоқда.

Томонларнинг кейинги қадамларини узоққа чўзилган уруш стратегияси доирасида таҳмин қилиш мумкин. Россия ҳужумларини давом этти-ради ва ҳудудий назоратни кенгайтиришга ин-тилади. Украина эса ҳарбий ҳаракатларни тўх-татишга ҳамда зиддиятга НАТОга аъзо давлат-ларни жалб этишга уриниб кўради. Трамп эса одатий «санкциялар эвазига имтиёзлар» фор-матидаги савдоларини бошлаб юборади. Ев-ропа Иттифоқи эса ўз таъсирини тиклашга ури-нар экан, самараси шубҳали янги санкция па-кетлари жорий этиш масалалари муҳокамасини давом эттиради.

Хуллас, Истанбул учрашуви сези-ларли самара бермади. Аслида унинг асосий мақсади воқеалар ривожини ким назорат қилаётга-нини намён этишдан иборат эди. Ҳозирча Москва жанг майдонида эмас, дипломатик фронтда устун-лики қўлга киритган кўради. Энди сўз «тинчлик бўладими ёки йўқми» деган савол атрофида эмас, «балки тинчлик қандай шартларда келади ва музокаралар столи атро-фида охиригача ким қолади» деган масалага тақаллоқ қилад.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

ЭЪЛОН

«GREEN TV» М-ҲК (СТМР: 302 996 279) устав жамағмаси 564 473 894 сўм 42 тийиндан 214 473 894 сўм 42 тийинга қамалти-рилаётганини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Жарикўрғон кўчаси, 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

16 май куни Россия ҳамда Украина ўр-тасида бўлиб ўтган Истанбул учрашуви тинчлик сари қадамдан кўра кўпроқ сиё-сий талаблар ва ихтилофлар намойишига айланди. 2022 йилнинг баҳорида Истан-булнинг Дўлмабоғча саройида самарасиз якун топган музокаралардан сўнг Россия ва Украина уч йил ичида илк бор музокара столи атрофида йиғилди. Аммо 2022 йилда томонлар муроса масалаларини муҳокама қилган бўлса, бу гал мавзу таслим бўлиш шартлари ва геосиёсий чегараларни қайта тақсимлаш атрофида кечди. Музокара жа-раёни бор-йўғи икки соат давом этган бўл-са-да, унинг оқибатлари ва сиёсий тўлқин-лари ҳали узоқ вақт сезилиб туриши, шубҳасиз.

Владимир Путиннинг ёрдамчиси Владимир Мединский бошчилигидаги Россия делегацияси Истанбулга тақлифлар билан эмас, талаблар би-лан келди. («Financial Times», «The Guardian» ва «The New York Times» каби нашрларнинг таъкид-лашича, Москва бу учрашувда савдолашиб ўтир-маган. Гап Украина қўшинларининг Донецк, Лу-ганск, Херсон ва Запорожье вилоятлари ҳудуд-ларидан ҳеч қандай талаб ва шартларсиз чиқиб кетиши ҳақида кетган. Бундан ташқари, Мединс-кий таъкидлаганидек, бу чиқиш «ушбу ҳудудлар Украина таркибига кирган пайтдаги чегаралар доирасида» амалга оширилиши керак. Бу эса амалда Киевга ушбу вилоятлар бўйича ҳатто ҳо-зир Украина Қуролли Кучлари назоратида қолаёт-ган аҳоли пунктларига нисбатан ҳам тўлиқ маъ-мурий назоратдан воз кечиш талаби қўйилаётга-нини англатади.

Ғарб ҳамда Украина оммавий ахборот восита-лари Украина делегацияси тарқатган қатор маъ-лумотларни фаол ёритди. Уларга кўра, агар Киев Россиянинг ҳозирги шартларини қабул қилмаса, ке-йинги сафар талаблар рўйхатига яна қамида тўртта ҳудуд – Харьков, Суми, Днепрпетровск ва Одесса вилоятлари қўшилиши мумкин. Музокараларнинг норасмий қисмида «Кейинги гал тўртта эмас, сак-кизта вилоят бўлади», деган сўзлар янраган. Шун-дай қилиб, Москва аслида Киевни стратегик жиҳат-дан эзаётган ва Украина шарқи ҳамда жануби усти-дан максимал назорат ўрнатиш режасини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Кремль музокара жараёнини кучли позициядан қайта бошлади. Гап муроса эмас, балки ҳарбий ҳаракатлар натижаларини тан олиш ҳақида кетмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Москва позицияси 2022 йилдагидан кескин фарқ қилади. Ушанда Россия Украина нейтралитетини тан олиш ҳамда ҳарбий ҳара-катларни вақтинча тўхташишга розилик билди-раётган эди. Ҳозир эса Россия Украинага йўқо-тилган ҳудудлар бўйича даъволардан консти-туциявий равишда воз кечиш, денацификация, НАТОни «унутиш» ва тўлиқ ҳарбийлашувдан



воз кечиш талабларини қўйди. Содда қилиб айт-ганда, Украинадан геосиёсий мағлубиятни тан олиш талаб қилинмоқда.

Киев делегацияси аъзоларининг аксари Ис-танбулга ҳарбий қамуфляжда келди. Бу Зеленс-кий учун уруш ҳали тугамаганига ишора эди. Аммо ушбу милитаристик рамз ортида аллақан-дай ҳадик-жавотир яширингандек гўё. Албатта, Украина делегацияси орасида профессионал музокарачилар деярли йўқ эди. Улар Ғарб, ра-дикал муҳолифат ва фронтдаги муваффақият-сизликлар ўртасида мувозанат сақлаётган си-ёсатчилар эди, ҳолос. Давлат раҳбари ёки про-фессионал дипломатлар ўрнига мудофаа вазири Рустем Умеровнинг қатнашиши Киевнинг ҳозирча жиддий музокараларга тайёр эмаслигини кўр-сатди, назаримизда.

Украина томони музокараларда фақат битта бандни – ҳарбий ҳаракатларни 30 кунга тўхташиб туришни талаб қилди. Бу тақлифни Буюк Брита-ния, Франция ва Германия фаол қўллаб-қувват-лади. Нега? Назаримиз, бу билан Киевга бир муддат тин олиб, кучларни фронт бўйлаб қайта жойлаштириш ва қурол-яроғ етказиб бериш им-конии яратилиши керак эди. Аммо The Guardian ва CNN таъкидлаганидек, Москва бу бандни ҳатто муҳокама қилишни ҳам истамаган. Расман фақат «1000га 1000» форматда асирлар алмашинуви билан боғлиқ битта аниқ натижага эришилди. Бу «маҳсус ҳарбий операция» тарихидаги энг йирик алмашинув бўлади. Бироқ бу келишув ҳам томон-лар фақат гуманитар масалаларни ҳал этишга қодир эканини яна бир бор тасдиқлади. Ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш билан боғлиқ асосий ма-сала эса томонларнинг қарама-қарши позиция-лари тўғрисида ҳал этилмай қолди.

«Биз урушни истамаймиз, лекин бир йил, икки йил, уч йил жанг қилишга тайёرمىз. Биз Швеция билан 21 йил урушганмиз. Сиз қанча-гача жанг қила оласиз?». Мединскийнинг Укра-ина делегациясига йўллаган ушбу саволи аслида

Россиянинг стратегиясига айланган сиёсий баё-нотдек янгради. Аммо шуни ҳам таъкидлаш ке-ракки, урушнинг ҳар бир куни икки томон учун жуда қимматга тушяпти. Маълумотларга қара-ганда, Украина чет эл ёрдамини ҳисобга олма-ганда, кунига тахминан 42 миллион, Россия эса жанглар қўламини қараб, 500 миллиондан 1 мил-лиард долларгача маблағ сарфляяпти. Бу эса, табиийки, томонларнинг иқтисодий аҳолига жид-дий таъсир ўтказмай қолмайди. Шу боис Украина ҳам, Россия ҳам урушнинг тезроқ тугашидан ман-фаатдор. Аммо дунёдаги геосиёсий вазият шун-дайки, тўлиқ қуролланиш йўлини танлаган Евро-пага бу мақсадга эришиш учун Украина-Россия можароси ҳали узоқ йиллар давом этиши зарур. Европалик сиёсатчиларнинг фикрича, бу вақтга қадар ЕИ тўлиқ қуролланиб олишга улгуради, қолaversа, уруш қанча кўп чўзилса, Россиянинг тинкаси шунча қурийд. Украинанинг Европа ҳамда НАТОга интилиши, Россия учун эса бу ҳа-ёт-мамот масаласига тенг эканини ҳам унутмас-лик керак. Ана шу сабаблар боис урушнинг бир онда якун топишига энг оптимист сиёсатчилар ҳам ишонмаяптилар.

Айни пайтда фронт чизиғидаги ҳарбий ҳара-катлар янада кучайди. Россия Украина шарқида босимни оширмоқда. Донецк вилоятининг Бога-тир, Вольное Поле кишлоқлари ишғол қилинди, Днепрпетровск йўналишида илгарилаш куза-тилмоқда. Бу жараён FPV-дронлардан оммавий фойдаланиш билан бирга кечмоқда. Тахлилчи-ларнинг фикрича, Россия 50–80 километр масо-фада Украина Қуролли Кучлари артиллерияси ва техникасини йўқ қилиш бўйича самарали тизим яратган. Бу эса нафақат тактик, балки логистик устунлигини ҳам таъминлайди.

Бугун дунё сиёсатчиларини бир савол қйна-япти. Иккинчи музокара босқичи бўладими ва у қан-дай шартларда ўтади? Учрашув шуни кўрсатдики, Москва Зеленскийни қонуний рақиб сифатида кўр-маяпти. Россия президенти матбуот котиби Дмит-

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Сочларимга қўнаётир оқ, Ҳамон сани қўмсайди дилим. Бағрим ўнтур ўттли бир сўроқ: Қайлардасан, қайдасан, гулим?

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shogqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallifning fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xalqar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-90-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-95-55

Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV

Musahhih: Dilom XUDYOBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Boshlaga topshirish vaqti: 19:30

Topshirildi: 19:50

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch 1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 449 ta

Shundan: 6 258 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 276 nusxasi «Erudit» MCHJ boshmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 24-uyda;

7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma 277

1 2 3 4 5 6